



ЭКОЛОГИЯ СОХАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА – АТРОФ МУХИТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ.

Мовлонов Бахромали Қодирович

Фарғона Давлат Университети

«Хуқуқ таълими»

кафедраси ўқитувчиси

Хусанова Сурайёхон Гайбуллаевна

Фарғона Давлат Университети

«Хуқуқ таълими» кафедраси

2-босқич талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15478282>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-May 2025 yil

Ma'qullandi: 15-May 2025 yil

Nashr qilindi: 21-May 2025 yil

KEYWORDS

экология, экологик
хавфсизлик, бланкет
диспозиция, жиноят қонуни,
нормалар, жиноят таркиби
ва таснифи,
жиноятларнинг хусусияти
ва ижтимоий хавфлилик
даражасига кўра таснифи,
атроф-таббий мухит,
жиноят субъекти,
такрорийлик, қасд, туғри ва
эгри қасд,

ABSTRACT

Мақолада экология билан боғлиқ муносабатларни давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, экология соҳасидаги жиноятларни тузлиши, таснифи ва ўзига хос хусусиятлари, жиноят таркибининг тахлили, ҳамда экология билан боғлиқ барча жиноятларнинг диспозицияси бланкет диспозиция тури эканлиги билан боғлиқ масалалар ёритиб берилган.

Бугунги кунда инсон ҳаёти ва фаолияти учун қулай экологик вазиятни вужудга келтириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик таҳдид ва инқирозларни олдини олиш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни экологик-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, экологик ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, одамларнинг саломатлиги ва иқтисодий турмуш тарзини янада яхшилаш ҳамда аҳоли ўртасида экологик ҳуқуқий таълим тарбияни замонавий халқаро андозалар талаби асосида таъминлаш, - давлат сиёсати даражасига кўтарилган, жамият ва давлат, фан ва амалиёт олдида турган ўта ахамиятли долзарб, масалалардан бири ҳисобланади.

Экология соҳасидаги жиноятлар Жиноят кодекси Махсус қисмининг тўртинчи бўлимдаги –Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар деб ном олган XIV бобида ўз ифодасини топган. Экология соҳасидаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги хусусияти ва даражаси ушбу жиноятлар содир этилиши натижасида экологияга, табиатга, атроф-муҳитга, ҳайвонотва ўсимлик (ўрмон) дунёсига экологик зарар етказилишида намоён бўлади. Ўз навбатида мазкур

экологик зарар мамлакат экологияси, атроф-муҳит ва ҳайвонот ҳамда ўсимлик (ўрмон) дунёсида оғир оқибатларга сабаб бўлишлиги билан бошқа жиноятлардан фарқланади.

Экология соҳасидаги жиноятлар–бу Жиноят кодексида назарда тутилган, инсоннинг ҳаётини фаолиятини табиий муҳитда сифат жиҳатидан сақлаб туришга, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишга, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли қилмишдир.

Атроф -муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар жами бўлиб Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (193-204)та жами бўлиб, 14 та моддани ўз ичига олади. Шундан 197 ва 202 моддаларига биттадан моддаларни (197-1;202-1) қўшилганлиги билан бошқа жиноий-ҳуқуқий моддаларидан фарқланади.

Экология соҳасидаги жиноятларнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилиқ даражаси ва диспозиция ҳолатларига кўра таснифлани таҳлил қилинганида 18 (ўн саккизта) та ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар (қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар) 5 (беш та) унча оғир бўлмаган жиноятлар ((қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лкин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар) одам ўлиши билан боғлиқ 5 (беш) та диспозиция ҳолатини, Зарар миқдори билан боғлиқ 5 (беш) та диспозиция ҳолатларни, (кўп миқдорда зарар етказиш – баъзавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш бз бараваригача бўлган миқдорлаги зарар) иштирокчилиқ шакли билан боғлиқ - уч та диспозиция ҳолати ва шу каби жиноятларнинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи бошқа мезонларни мавжудлигини кузатишимиз мумкин.

Экология соҳасидаги жиноятлар–бу Жиноят кодексида назарда тутилган, инсоннинг ҳаётини фаолиятини табиий муҳитда сифат жиҳатидан сақлаб туришга, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишга, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатларга тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли қилмишлардир. Экология соҳасидаги жиноятларнинг тўртта зарурий белги мавжуд. Экология соҳасидаги жиноятлар ўз навбатида ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф, айбли ва жазога сазовор ижтимоий хавфли қилмишлардан иборат бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган ҳар бир жиноятнинг умумий объекти мазкур жиноят қонунининг 2-моддасида ўз аксини топган бўлиб, жиноят қонуни билан қўриқладиган ижтимоий муносабатлар Жиноят кодексида «Кодекснинг вазифалари» сифадида кўрсатиб ўтилган. ЖК 193-моддасининг умумий объекти жиноят қонуни билан қўриқладиган табиий муҳит билан боғлиқ эгология соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.Экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш жиноятининг бевосита асосий объекти атроф табиий муҳит хавфсизлиги, экологик хавфсизлик, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир. Мазкур жиноятнинг қўшимча объекти инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитнинг ўзгариб кетишига ёки бошқача оғир оқибатлар киради.

Экологик ҳавфсизлик нормалари талабларини бузиш моддий таркибли жиноят хисобланади. Инсоннинг ўлими, одамларнинг оммавий равишда касалланиши, экологияга салбий таъсир қиладиган даражада атроф муҳитни ўзгариб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқиши тариқасидаги оқибатлар объектив томоннинг зарурий белгиси хисобланади. Субъектив томондан жиноят қасддан, эгри қасд билан ёки эҳтиётсизликдан содир этилади. ЖК 193 моддасининг субъекти – ЖК нинг 17 моддасининг 3 қисмига асосан 18 ёшга тўлган, атроф муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахс (масалан, экологик экспертиза экспертлари, ҳокимлик органларининг мансабдор шахслари, объектларни жойлаштириш, қўриш учун маъсул бўлган шахслар ва х.к.) лар бўлиши мумкин.

Атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз аксини топган. Жумладан, 62-моддада "Фуқаролар атроф табiiй муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдир"лар дейилади.

Шунингдек, 1996-йил 27-декабрда Ўзбекистон Республикасининг "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган. Қонун 30 та моддадан иборат бўлиб, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, фуқароларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, стандартлар ва меъёрий ҳужжатлар, ҳаво муҳитига зарар етказганлик учун жавобгарлик каби моддалар мавиуд.

1994-йил 23-сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган. Қонун 10 та бўлим ва 51 та моддадан иборат.

1993-йил 6-майда Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган.

1999-йил 14-апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Ўрмон тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган.

2000 - йилда Ўзбекистон Республикасининг "Экологик экспертиза тўғрисида" ги қонуни қабул қилинган.

2001-йил 6-декабрда Ўзбекистон Республикасининг "Чиқиндилар тўғрисида" ги қонуни қабул қилинган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ги ПФ-5863-сон Фармони қабул қилинган. Ушбу Фармон доирасида концепция эришилган натижалар, мақсадли кўрсаткичлар ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан уч йил муддатга алоҳида-алоҳида тасдиқланадиган «йўл хариталари» асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

Концепциянинг мақсад ва вазифалари:

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ҳаёти ва саломатлик даражасини яхшилашнинг зарур шарти сифатида атроф муҳитнинг қулай ҳолатини таъминлаш;

атроф муҳитга ва аҳолининг саломатлигига салбий таъсирни пасайтирувчи инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига барқарор иқтисодий ривожланиш;

атроф муҳит объектларидан оқилона фойдаланишни ва биологик ресурслар қайта тикланишини таъминлаш.

Қуйидагилар Концепциянинг вазифалари ҳисобланади:

атроф муҳит объектларини (ер, сув, атмосфера ҳавоси, ер қаъри, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) сақлаш ва қўриқланишини таъминлаш;

қўриқланадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш соҳасида давлат назоратини, шунингдек, атроф муҳитнинг экологик мониторинги тизимини такомиллаштириш;

атроф муҳитни муҳофаза қилишни илмий жиҳатдан таъминлаш;

аҳолининг экологик маданиятини ошириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятининг ошкоралик даражасини ошириш ва фуқаролик жамиятининг ролини кучайтириш;

атроф муҳитга минимал оғирлик туширадиган барқарор ривожланишни таъминловчи жамиятни шакллантириш;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш.

Хулоса қилиб айтганда экология соҳасидаги жиноятларни содир этилиши экологик хавфсизлик, атроф, табиий муҳит, табиатга, шунингдек инсоният ва ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсига қаратилган ижтимоий хавфли қилмишлар бўлиб, мазкур жиноятларнинг содир этилиши нафакат битта одам, давлат, балки башариятга таҳдид солиши мумкин бўлган қилмишлар ҳисобланади

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т. 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонуни Т. 1992;
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси Т. 2024;
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари. Т. 2024;
5. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси Т. 2021;
6. Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун Т. 1996
7. Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонун Т. 1993.
8. Экологик экспертиза тўғрисидаги қонун Т. 2000 й
9. Чиқиндилар тўғрисидаги қонун Т. 2002
10. 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги ПФ 5863 фармони